

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

7-сон
(871)
2019 йил
18 февраль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

113. ««Қарши насос станциялари каскадини капитал-қайта тиклаш (III фаза)» лойиҳасини амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 февралдаги ПҚ-4170-сон қарори
114. ««Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти (университети)» Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4171-сон қарори
115. «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4185-сон қарори
116. «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбир-

- лари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февралдаги ПҚ–4186-сон қарори
117. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги ПҚ–4189-сон қарори
118. «2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги ПҚ–4190-сон қарори
119. «Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги ПҚ–4191-сон қарори
120. «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 февралдаги ПҚ–4193-сон қарори

Учинчи бўлим

121. «Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузуридаги фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари томонидан бепул консалтинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги 131-сон қарори
122. «Транспорт воситаларини мажбурий техник қўриқдан ўтказиш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги 136-сон қарори

Бешинчи бўлим

123. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 29 январдаги 188-мх-сон «Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2428-3*)
124. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 19 январдаги 1/4-сон «Марказий банк томонидан банк конунчилиги

ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 622-8*)

125. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 18 январдаги 01-02/15-4-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартиби, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 832-11*)
126. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 23 январдаги 10-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1209-10*)
127. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 19 январдаги 1/7-сон «Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1304-4*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 9 февралдан 15 февралгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****113 «Қарши насос станциялари каскадини капитал-қайта тиклаш (III фаза)» лойиҳасини амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Қашқадарё вилоятидаги суғориладиган ерларни сув билан кафолатланган таъминлаш, Қарши насос станциялари каскади ишончилиги ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек Қарши насос станциялари каскадини капитал-қайта тиклаш (III фаза) лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қарши насос станциялари каскадини капитал-қайта тиклаш (III фаза)» лойиҳасини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 19 майдаги ПҚ–2977-сон қарорини амалга ошириш доирасида 2018 йил 3 апрель куни Ўзбекистон Республикаси ва Саудия тараққиёт жамғармаси ўртасида 43,2 млн. АҚШ доллари миқдорида Қарз битими имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Сув хўжалиги вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Саудия тараққиёт жамғармаси билан тузилган Қарз битими шартларига мувофиқ «Қарши насос станциялари каскадини капитал-қайта тиклаш (III фаза)» лойиҳаси (кейинги ўринларда — лойиҳа) амалга ошириладиган даврда тўрт штат бирлигидан иборат лойиҳани амалга ошириш гуруҳини ташкил этсин.

Белгилаб қўйилсинки, лойиҳани амалга ошириш гуруҳини ташкил этиш ва таъминлаб туриш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, лойиҳа доирасида жалб қилинадиган консалтинг компанияси харажатлари эса Саудия тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

3. Молия вазирлигига лойиҳани молиялаштириш учун жалб қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг қайта молиялаштириладиган кредити юзасидан Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармасининг «Агробанк» АТБ олдидаги мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат кафолатини белгиланган тартибда бериш ваколати берилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 февралда эълон қилинган.

«Ўзбекистон республика валюта биржаси» АЖ ва «Агробанк» АТБ лойиҳани амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва таракқиёт жамғармаси томонидан ажратиладиган валюта маблағларининг бир қисмини комиссия ундирмаган ҳолда сотишни ҳамда 1-иловага* мувофиқ схема бўйича лойиҳани молиялаштиришга мақсадли йўналтиришни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қарши насос станциялари каскадини капитал-қайта тиклаш (III фаза)» лойиҳасини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 19 майдаги ПҚ–2977-сон қарорига 2-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Ҳамроев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 9 февраль,
ПҚ–4170-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

114 «Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти (университети)» Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида*

Жаҳон сиёсати ва иқтисодиёти, халқаро муносабатлар ва дипломатия, халқаро ҳуқуқ ва ташқи савдо соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни янада такомиллаштириш, шунингдек Россия Федерацияси Президенти В.В. Путиннинг 2018 йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикасига ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва «Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти (университети)» Фе-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 февралда эълон қилинган.

дерал давлат автоном олий таълим муассасасининг (кейинги ўринларда — бош муассаса) «Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти (университети)» Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиалини (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

халқаро майдонда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифода этадиган ва фаол илгари сурадиган, муҳим сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа вазифаларни ҳал қила оладиган, талаб кучли бўлган юқори малакали мутахассисларни олий таълим дастурлари бўйича тайёрлаш;

мутахассислар ҳамда илмий кадрлар тайёрлаш тизимини таълим ва илм-фаннинг узвийлиги ва узлуксизлиги тамойили, шунингдек унинг жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига уйғун интеграциясини таъминлаш асосида ривожлантириш;

халқаро сиёсий, дипломатик, ҳуқуқий, иқтисодий ва савдо муносабатлари соҳаларида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги таълим дастурлари ва шакллари ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, замонавий юқори самарали педагогик услуб ва таълим технологияларини фаол жорий этиш;

таълим ва илм-фан соҳаларида хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий тадқиқот марказлари билан узок муддатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш соҳасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (кейинги ўринларда — ЖИДУ) билан ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини қўллаб-қувватлаш;

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш ва уни минтақавий таълим хаби сифатида танитиш.

3. Белгилансинки:

Филиал Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси қонунчилиги ва халқаро шартномаларига мувофиқ бош муассасанинг алоҳида таркибий бўлинмаси ҳисобланади;

Филиалда ўқув жараёни бакалаврият дастурлари бўйича тўрт йиллик ва магистратура дастурлари бўйича икки йиллик таълимни кўзда тутган бўлиб, асосан кундузги шаклда амалга оширилади;

Филиалда таълим Россия Федерацияси федерал таълим стандартларига мувофиқ бош муассаса томонидан тасдиқланадиган ўқув режа ва таълим дастурлари асосида рус ва инглиз тилларида олиб борилади;

барча даражадаги таълим дастурлари рус ва инглиз тилларидан ташқари қўшимча чет тилини ўқитишни кўзда тутди;

абитуриентларни қабул қилиш ва Филиал битирувчиларининг аттестацияси бош муассаса томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Филиал битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган бош муассасанинг белгиланган намунадаги дипломи берилади.

4. Бош муассаса ва ЖИДУнинг 1-иловага* мувофиқ таркибда Филиал Академик маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин ҳамда унинг зиммасига ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот соҳалари, шунингдек Филиал ривожланишининг устувор йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси юклансин.

5. Бош муассаса:

ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш;

Филиал профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари малакасини, шу жумладан масофавий ўқитишни ташкил этиш орқали мунтазам ошириш ва қайта тайёрлаш;

Филиалнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек кутубхона фондини шакллантириш ва ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар, шу жумладан мультимедиа кўринишидаги замонавий адабиётлар билан бойитишда кўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бош муассасанинг 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Филиалда 2-иловага мувофиқ бакалаврият ва магистратуранинг истиқболли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

қабул квотаси манфаатдор вазирлик ва идораларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда Филиал томонидан мустақил белгиланади;

Филиалда таълим тўлов-контракт, шу жумладан вазирлик, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг мақсадли буюртмалари асосида ташкил этилади;

кадрларни мақсадли буюртмалар асосида тайёрлаш, шу жумладан битирувчиларни келгусида иш билан таъминлаш шартлари абитуриент ҳамда вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги келишувларга мувофиқ белгиланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек шоҳ кўчаси, 47-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларни туташ ҳудуди билан бирга ЖИДУ балансига ўтказсин.

Филиал ва унинг бўлинмалари Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек шоҳ кўчаси, 47-уй манзилига беғараз фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилсин.

9. Қўйидагилар:

Филиалнинг Васийлик кенгаши таркиби 3-иловага* мувофиқ;

Филиални ташкил этиш бўйича Ташкилий комиссиянинг таркиби 4-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

* 1, 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Ташкилий комиссия (И.Т. Неъматов):

а) Филиал фаолиятини ташкил этиш бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар ишини мувофиқлаштиришни;

б) 2019 йил 1 августга қадар:

Филиалга ажратилаётган бино ва иншоотларни реконструкция қилишни;

Филиалга ажратилаётган бино ва иншоотларни замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер ва оргтехника, таълимнинг техник воситалари, адабиётлар, мультимедиа маҳсулотлари, инвентарь, мебель ва бошқа моддий-техник воситалари билан жиҳозлашни;

Филиални танлов асосида ишга қабул қилинадиган юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан тўлдиришни таъминласин.

11. Белгилансинки:

Филиалнинг Васийлик кенгаши қарорлари асосида шакллантириладиган пул маблағлари, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ҳамда шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлардан олиннадиган даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, манфаатдор миллий ва халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган техник кўмак маблағлари (грантлар), шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

Филиалга ажратилаётган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, уларни замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер ва оргтехника, таълимнинг техник воситалари, адабиётлар, мультимедиа маҳсулотлари, инвентарь, мебель ва бошқа моддий-техник воситалар билан жиҳозланишини молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурида кўзда тутилган марказлаштирилган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

ўқув ва тадқиқот бўлинмаларини жойлаштириш, шунингдек Филиал талабалари ва ўқитувчилари яшаши учун ажратиладиган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш бўйича бош буюртмачи «Тошкентқурилишинвест» инжиниринг компанияси ҳисобланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

а) бош муассаса ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва Филиални белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;

юқори малакали профессор-ўқитувчилар, шу жумладан хорижий мутахассисларни таълим бериш ва ўқув жараёнини ташкил қилишга доимий асосда жалб этишни таъминласин;

б) Филиал буюртманомаларига асосан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва Филиалнинг маъмурият ходимлари, шунингдек уларнинг оила аъзолари учун кўп марталик кириш визаларини консуллик ва бошқа йиғимлар ундирмасдан белгиланган тартибда расмийлаштириш;

в) ҳар йили Филиал битирувчи курсларининг иқтидорли талабаларига Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ва консуллик ваколат-хоналари, шунингдек халқаро ташкилотларда ўқув амалиётини ўташларига ҳар томонлама кўмаклашишни таъминласин.

13. 2022 йил 1 январга қадар Филиални жиҳозлаш ва унинг фаолияти-ни таъминлаш учун олиб келинадиган ускуналар, компьютер техникаси ва оргтехника, таълимнинг техник воситалари, адабиётлар, мультимедиа маҳ-сулотлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузу-ридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКнинг ижобий хулосаси олинган тақдирда божхона тўловлари-дан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Филиал буюртма-номаларига кўра, Филиалнинг хорижий профессор-ўқитувчилари ва маъму-рият ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзоларига давлат божини ундирмас-дан кўп марталик визаларни бериш ва унинг муддатини узайтириш, шунинг-дек уларни вақтинчалик турар жойи бўйича вақтинчалик прописка қилиш ва муддатини узайтиришни белгиланган тартибда таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазир-лиги Филиал буюртманомаларига кўра, Филиал фаолиятини ташкил қилишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар бериш (узайтириш), шунингдек хорижий фуқаро-ларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулла-ниш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар беришни (узайтиришни) таъминла-син.

16. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-касининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Х. Комилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 февраль,
ПҚ-4171-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 11 февралдаги
ПҚ-4171-сон қарорига
2-ИЛОВА

«Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти (университети)» Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси Тошкент шаҳридаги филиалида кадрлар тайёрлашнинг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари

I. Бакалаврият йўналишлари бўйича:

1. Бизнес-информатика.

II. Магистратура мутахассисликлари бўйича:

1. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тизимли таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш.
2. Халқаро хусусий, фуқаролик ҳуқуқи ва арбитраж.
3. Халқаро савдо ва молия ҳуқуқи.
4. Халқаро ташкилотлар учун синхрон таржимонлар тайёрлаш ва маданиятлараро коммуникация.

Изоҳ: «Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти (университети)» Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси Тошкент шаҳридаги филиалининг Академик маслаҳат кенгаши тавсиясига кўра ушбу рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**115** **Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Сўнги йилларда мамлакатда ижтимоий етимликнинг олдини олиш, аҳоли ва ёшлар орасида соғлом оила қуришга масъулият билан ёндашишни тарғиб қилиш, оилавий кадриятларга маънавий-ахлоқий муносабатни шакллантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Қўрилган чора-тадбирлар тарбия муассасалари ва уларда тарбияланаётган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар соини сезиларли равишда камайтиришга ёрдам берди.

Шу билан бирга, болаларни жойлаштиришнинг оилавий ҳамда бошқа муқобил шакллари кенг жорий этиш, айниқса уларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш (патронат), шунингдек, болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чоралар кўриш талаб этилмоқда.

Ижтимоий етимликни янада камайтириш, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, уларнинг жадал ижтимоий мослашуви учун кенг имкониятлар яратиш, тарбия муассасаларининг иш фаолиятини яхшилаш, шунингдек, жисмонан соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялашда оиланинг ролини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

2019 йил 1 мартдан «Меҳрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячилари, шунингдек, барча турдаги халқ таълими муассасалари тарбиячиларининг базавий тариф ставкасини 1,5 баробарга ошириш ва уни умумтаълим мактабларининг тегишли раҳбар ва педагогик ходимлари базавий тариф ставкасининг 75 фоизи даражасида белгилаш;

2019 йил 1 октябрдан «Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари раҳбар ходимлари ва олий маълумотли тарбиячилари ҳамда барча турдаги халқ таълими муассасаларининг олий маълумотли тарбиячиларининг базавий тариф ставкалари миқдорларини умумтаълим мактабларининг тегишли раҳбар ва педагог ходимлари базавий тариф ставкаларига тенглаштириш, бунда айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбиячилари учун кўзда тутилган устамани бекор қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

2019 йил 1 мартдан бошлаб оилага тарбияга олинган (патронат) ҳар бир бола учун тўланадиган нафақа миқдори 1,33 баробарга оширилиб, 820 000 сўмни

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 февралда эълон қилинган.

ташқил қилади, кейинчалик инфляция ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда ошириб борилади;

2019 йил 1 октябрдан бошлаб жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячиларига меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун ҳар ойда тўланадиган устама ҳақи лавозим маошининг 75 фоизи миқдорида тўланади;

васийлик ва ҳомийлик органлари ходимларига ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ транспорт харажатларини қоплаш учун ҳар ойда 170 000 сўм миқдорида компенсация тўланади, кейинчалик инфляция ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда ошириб борилади;

болалар уйлари, ногирон болалар учун «Мурувват» интернат уйлари ҳамда сил касаллигига қарши болалар санаторийси тарбиячиларига тегишли тоифадаги давлат мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун белгиланган базавий тариф ставкаси миқдорлари қўлланилади;

оилавий болалар уйлари тарбияловчи ота-оналарининг базавий тариф ставкаси «Меҳрибонлик» уйлари тарбиячилари учун белгиланган базавий тариф ставкасининг икки баробари миқдорида ҳисобланади, бунда меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун амалдаги устама ҳақи бекор қилинади ва «Меҳрибонлик» уйлари тарбиячилари учун белгиланган ҳар йилги таътиллар, имтиёзлар ва кафолатлар бериш тартиби сақлаб қолинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйлари 1 та психолог штат бирлиги, тарбияланувчилари сони 200 нафардан ортиқ бўлган «Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйлари 2 та психолог штат бирликларини киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил давомида «Меҳрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчаларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Халқ таълимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан замонавий компьютер синфларини очиш, тарбияланувчиларни замонавий компьютер дастурлаш кўникмаларига ўқитишни ташқил қилиш ва ахборот технологиялари соҳасида ёш мутахассислар тайёрланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар, идоралар, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий етимликнинг олдини олиш, шунингдек, «Меҳрибонлик» уйлари ни босқичма-босқич кам комплектли болалар шаҳарчаларига ҳамда ижтимоий муассасаларнинг бошқа муқобил шаклларига ўтказиш мақсадида 2019 йил 1 июнга қадар муддатда 2019 — 2023 йилларда «Меҳрибонлик» уйлари ни ноинституционаллаштириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилаётган (патронат) васий ва ҳомийликка номзодларни, фарзандликка олаётганлар ва оилавий болалар уйларида тарбияловчи ота-оналарини танлаш ва кузатиб бориш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Халқ таълими вазирлиги ва бошқа давлат органларининг «Ишонч телефонлари» орқали етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ёрдам кўрсатиш тизимини ташкил қилсин, шунингдек, «Меҳрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчаларида зарур алоқа воситалари билан жиҳозланган алоҳида хоналар ажратилишини, «Ишонч телефонлари» узлуксиз ишлашини ҳамда улардан тарбияланувчиларнинг эркин фойдаланишини таъминласин.

4. Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича «Йўл харитаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

оилавий васийлик ва ҳомийликнинг турли шакллари яратишга кўмаклашсин;

2019 йил 1 июнга қадар «Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйларидаги хўжалиқ ва хоналарини видеокузатув камералари билан жиҳозланишини таъминласин, видеоёзувлар махсус архивда камидан бир ой давомида сақланишини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйларидаги видеокузатув камераларининг техник созлиги ва узлуксиз ишлашини, кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида архивлаштиришни таъминласин.

6. Васийлик ва ҳомийлик органлари, «Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари, болалар уйлари ҳамда етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун бошқа тарбия муассасалари:

давлат нотариал идоралари, Давлат хизматлари марказлари, ФХДЁ ва ички ишлар органлари, давлат тиббиёт ва бошқа муассасалар орқали етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиришда;

етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан мурожаат қилишда давлат божи ва бошқа тўловлардан озод этилсин.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда харажатлар сметасини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг соҳага ихтисослаштирилган муассасаларида тиббиёт тизими педагогик ходимларининг малакасини ошириш учун маблағларни назарда тутсин.

Белгилансинки, асосий ишидан ажралган ҳолда педагог ходимларнинг малакасини ошириш курсларига юборилган тингловчиларга ўқиш даврида асосий иш жойи бўйича ўртача иш ҳақи сақланади.

8. Қўйидагилар учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳар (туман) ҳокимлари:

«Меҳрибонлик» уйларига кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг болалари ҳамда ота ёки онадан бирига эга болаларни вақтинчалик жойлаштириш бўйича қарорларнинг асослантирилганлиги;

уй-жойга муҳтож сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларга ўз вақтида турар жойлар ажратилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш учун шахсий жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси етим болалар ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларга турар жойлар ажратилиши устидан назоратни кучайтирсин.

9. Тижорат банклариغا етим болалар ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларга, шу жумладан улар тоифасига кирадиган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган шахсларга ёш оилалар учун назарда тутилган шартларда, кўп квартирали уйлардан квартира сотиб олиш мақсадида имтиёзли ипотека кредитлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

Белгилансинки, етим болалар ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг дастлабки бадали Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси етим болалар ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг маиший ва турар жой шароитларини яхшилаш мақсадида, шаҳарлар ва қишлоқ жойларида арзон кўп квартирали уйларни қуриш параметрларини шакллантиришда, 2020 йилдан бошлаб уй-жойга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, етим болалар ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларга имтиёзли ипотека кредити бериш асосида сотиш учун уйлар қурилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ишга жойлаштирилиши устидан тизимли мониторинг механизмини ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишда тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатларни назарда тутсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

«Меҳрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчалари тарбияланувчиларини дастурлаш кўникмаларига ўргатиш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида ёш мутахассисларни тайёрлаш мақсадида уларнинг Интернет тармоғига уланиши ва компьютерлар билан жиҳозланишини, бунда 10-11-синф ўқувчиларига «ахборот-коммуникация технологиялари» йўналишида етакчи ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи учун шароитлар яратилишини;

электрон ўқув, шу жумладан компьютер дастурлаш ва ахборот технологиялар соҳасидаги материаллардан фойдаланиш мақсадида «Меҳрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчаларининг «ZiyoNET» таълим тармоғига уланишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2019 йил 1 апрелга қадар етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларнинг тутинган ота-оналари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига доимий прописка қилинишини таъминлаш бўйича таклифлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда кўзда тутилган тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ажратсин, шунингдек, ҳар йили Давлат бюджети параметрларида ушбу кўрсатилган мақсадлар учун маблағни назарда тутсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 февраль,
ПҚ-4185-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**116 Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Республика тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида юқори ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, модернизация қилишнинг стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига юқори технологияли янги иш ўринларини яратиш, корхоналарни техник ва технологик янгилаш, илғор «кластер модели»ни жорий этишга қаратилган таркибий қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ривожланишининг ҳар томонлама таҳлили, рақобатнинг кучайиши шароитида жаҳон бозорининг ўзгарувчан конъюнктураси соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, янада барқарор ва жадал ривожланиши механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни тақозо этмоқда.

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳани жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, тўқимачиликда ярим тайёр маҳсулотларни чуқур қайта ишлашга инвестициялар ҳажмини ва тайёр маҳсулотлар экспортини ошириш мақсадида:

1. 2019 йил 1 апрелдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2019 — 2021 йилларда ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотнинг камида 80 фоизини экспорт қиладиган тикув-трикотаж корхоналарига тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидаги тартибда қопланади:

айланма маблағларни тўлдириш (тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ип-калава, трикотаж мато, ип газлама ва бошқалар харид қилиш) мақсадида тижорат банклари томонидан миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 25 фоизи миқдоридан, аммо 5 фоизли пунктдан юқори бўлмаган ҳолда;

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш (бино ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш) мақсадида тижорат банклари томонидан хорижий валютада бериладиган кредитлар бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдоридан;

б) ноль ставкани қўллаш натижасида вужудга келган қўшилган қиймат

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 февралда эълон қилинган.

солигини қайтариш зарур бўлган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган кундан эътиборан 7 иш куни давомида солиқ тўловчига тезкорлик билан қайтарилади. Бунда давлат солиқ органларида мавжуд бўлган маълумотлар, шу жумладан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича таққослаш далолатномаси ҳамда қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби бекор қилинади;

в) биржа савдолари орқали пахта толасини сотишда қатъий талаб қилинадиган банк кафолатлари бекор қилинади. Бунда тарафлар ўртасида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тартиби шартнома асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тижорат банклари томонидан тикув-трикотаж корхоналарига берилган кредитлар бўйича фоизларни қоплаш учун зарур бўлган маблағларни 2019 — 2021 йиллар давомида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ажратсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил ҳосилидан бошлаб республика ташкилотларига пахта толасини сотишда қўшилган қиймат солиғи жаҳон бозорларида шаклланган нархлардан қатъи назар, пахта толасининг амалдаги сотиш нархидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш ҳамда самарасиз солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференцияларни бекор қилиш бўйича ишчи комиссия (Б.М. Мавлонов) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририга ушбу қарорнинг 1-бандида назарда тутилган қоидалар киритилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик субъектларининг товар айланмасидан вужудга келган ноль ставкадаги қўшилган қиймат солигини қайтариш тўғрисида тақдим қилган аризаларини кўриб чиқиш бўйича автоматлаштирилган дастурни ишлаб чиқсин ва амалиётга татбиқ этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи 2019 — 2025 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш Концепциясини тасдиқласин:

комплекс ёндашув асосида хом ашёни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни, шу жумладан, саноат кооперациясини кенгайтириш ҳамда қўллаб-қувватлаш асосида ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, тўқимачилик маҳсулотларини сотишнинг ички ва ташқи бозорларини тадқиқ қилиш;

ички ва ташқи бозорларда маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, кўшимча қиймат яратишнинг ягона занжирини тузиш;

республикада ишлаб чиқариладиган пахта ип-калаваларнинг бутун ҳажмини қайта ишлаш ҳисобига 2025 йилга бориб тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмини 7 миллиард АҚШ долларига етказиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида етакчи хорижий олий ўқув юртларининг қўшма таълим дастурларини ташкил этсин;

икки ой муддатда 2019 йил охирига қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий компанияларнинг ўқув-ишлаб чиқариш кластери иштирокида ишлаб чиқариш объектларида таълим жараёнини бевосита амалга оширишни ташкил этиш бўйича таклиф киритсин;

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кадрларининг буюртмачилари битирувчининг базавий контракт тўловини иккинчи босқичда камида 50 фоиз, учинчи босқичда камида 75 фоиз, тўртинчи босқичда 100 фоиз миқдорида тўлаб берган тақдирда, битирувчининг буюртмачи корхонасида меҳнат фаолиятини амалга ошириш мажбурияти тўғрисида шартнома тузилиши тартибини белгилаш чораларини кўрсин;

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича «Йўл харита»си лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда:

Ўзбекистонда бир йилда камида бир маротаба тўқимачилик тадбирларини жаҳон календарига киритган ҳолда тўқимачилик ва мода индустрияси халқаро кўرғазмалари ўтказилиши чораларини кўрсин;

Европа Иттифоқи, Туркия, Корея, Хитой ва бошқа мамлакатлар билан кўриб чиқиладиган келишувларга миллий тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан божхона тўловларини камайтириш ва тартибга солишнинг нотариф чораларини соддалаштириш масалаларини киритсин.

8. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг ягона ахборот порталини (кейинги ўринларда — портал) ишлаб чиқсин ва ишга туширилишини таъминласин:

тармоқнинг тендер савдолари (танловлар), кўрғазма ва ярмаркалар, шу жумладан, хорижий кўрғазма ва ярмаркалар рўйхатини эълон қилиш;

кичик тадбиркорлик субъектларини тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотларини экспорт қилишнинг тўлиқ жараёнига масофавий ўқитиш;

бутун дунё мамлакатлари бўйича тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотларини олиб кириш ва олиб чиқиш таҳлили юзасидан тўлиқ ҳисоботлар билан танишиш;

«Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш навигатор чоралари»ни жойлаштириш;

тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ишлаб чиқарувчилар ва хизматлар, материаллар ва хом ашё етказиб берувчилар жойлашуви кўрсатилган Ўзбекистоннинг интерактив харитасини яратиш;

тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун Ўзбекистоннинг қиёсий устунликларини эълон қилиш;

тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган онлайн-дастурий маҳсулотларни хорижий аналоглар билан интеграция қилиш;

молия хизматларини, шу жумладан, лизинг контрактлари бўйича қарз маблағларини, усқуналарни ҳамда суғурта хизматларини жалб қилиш бўйича етказиб берувчиларни акс эттириш;

миллий тўқимачилик корхоналари учун ишлаб чиқариладиган ва талаб қилинадиган хизматлар, материаллар ва хом ашёлар номенклатураси ва ҳажмини жойлаштириш.

9. «Ўзстандарт» агентлиги «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда:

2019 йил 15 февралга қадар тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотларига уларни синовдан ўтказиш усулларига талабларни белгилловчи стандартлар бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказсин ва халқаро меъёрларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиши лозим бўлган стандартларни белгиласин;

2019 йил 1 мартга қадар тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотларига ва уларни синовдан ўтказиш усулларига халқаро стандартлар рўйхатини белгиласин ва уларни босқичма-босқич қабул қилиш жадвалини тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор ташкилотлар ва тижорат банклари билан биргаликда икки ой муддатда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг амалдаги экспорт шартномалари гарови эвазига уларнинг маҳсулотларини экспортолди молиялаштириш механизмини татбиқ этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда республика ҳудудига тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ноқонуний олиб киришга қарши курашишни кучайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

12. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги Ф–5194-сон фармойиши билан тасдиқланган «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо тўқимачилик ишлаб чиқариш корхоналари томонидан божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилган ҳолда импорт қилинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган сунъий ва синтетик тола, жун, хом ашё ва бошқа материаллар рўйхатида:

«ТИФ ТН коди» устунининг 128-позициясидаги «5509 31 000 0, 5509 32 000 0, 5509 61 000 0» рақамлари чиқариб ташлансин;

129-позиция чиқариб ташлансин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б.М. Мавлонов ва Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 февраль,
ПҚ-4186-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

117 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида*

Республика миқёсида электр энергияси назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасидаги харид тартиб-таомилларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг максимал иштирокини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 февраль,
ПҚ-4189-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 13 февралдаги
ПҚ-4189-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 ноябрдаги «Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3384-сон қарори 9-банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги «Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3981-сон қарори 4-банди қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Электр энергиясини ҳисоблаш қурилмаларини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар 2022 йил 1 январга қадар ушбу қарор доирасида «Ўзбекэнерго» АЖ билан тузилган шартномалар бўйича етказиб бериладиган электр энергиясини ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган бутловчи қисмлар, хом ашё ва материалларни олиб кирганлик учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно), шунингдек, мазкур электр энергиясини ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилсин».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**118 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси
аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш
хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғри-
сида***

Ўтган вақт мобайнида аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш миллий хизматини такомиллаштириш, руҳий ҳолати бузилишидан азият чекувчи шахсларни аниқлаш, даволаш ва реабилитация қилиш бўйича соғлиқни сақлаш тизимининг барча даражаларида муайян ишлар амалга оширилди.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–3606-сон қарорига мувофиқ аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, психиатрия муассасаларини замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш), шунингдек республика психиатрия муассасалари биноларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурлари бажарилмоқда.

Жумладан, «психиатрия» йўналиши бўйича давлат грантлари асосида магистратурага қабул квоталари оширилди, олий тиббий таълим муассасаларининг психиатрия кафедраларида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ишлари фаоллашди. Илк бор руҳий хасталикларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати тасдиқланди.

Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш, сифатли психиатрия ёрдами кўрсатишни ташкил этиш, руҳий ҳолат бузилишининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини 2019-2020 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда — Комплекс чора-тадбирлар) 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Концепциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

руҳий ҳолати бузилган шахслар манфаатлари йўлида маъмуриятчилик сифатини ошириш, психиатрия хизмати билан давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида самарали ҳамкорлик тизимини шакллантириш;

аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини инновацион ривожлантириш, руҳий хасталикларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича илғор технологияларни амалиётга жорий этиш, ушбу соҳадаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва татбиқ этиш;

аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасида хусусий тиббиёт амалиёти ривожланишини рағбатлантириш;

руҳий ҳолат бузилиши аломатларига эга бўлган инсонларга нисбатан салбий қарашларнинг шаклланиши ва уларнинг камситилишига йўл қўймаслик, руҳияти бузилган шахслар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари амалга оширилиши учун тенг шарт-шароитларни таъминлаш;

руҳий саломатликни муҳофаза қилиш масалаларида аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш, руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан нотўғри тасаввурларга барҳам бериш;

ёрдамга муҳтож бўлган аҳолининг барча ёшдаги гуруҳларини психиатрия ёрдами билан қамраб олиш, руҳий ҳолати бузилган шахсларни аниқ-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лаш, даволаш ва реабилитация қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш;

аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини билан интеграция қилиш;

аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

психиатрия ёрдамини кўрсатишда, айниқса республика ҳудудларида идоралараро мултидисциплинар бригада иши моделини жорий этиш;

психиатрия ёрдамини кўрсатувчи амалдаги муассасалар негизида фаол терапияга ва кенг кўламли даволаш-реабилитация комплекс тадбирлари ўтказишга, кундалик врачлар кузатувида бўлишга муҳтож бўлган, бироқ кунутун психиатрия стационарига жойлаштирилиши шарт бўлмаган руҳий ҳолати бузилиши зўраядиган ёки компенсацияси бузиладиган шахслар учун кундузги стационарлар фаолиятини ташкил этиш;

психиатрия ёрдамини кўрсатувчи муассасалар моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни реконструкция қилиш ва замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш).

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги лавозимлари рўйхатига «Ўзбекистон Республикаси Бош психиатри» ва «Ўзбекистон Республикаси Бош суицидологи» лавозимларини киритиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Руҳий ҳолати бузилган шахслар уларга психиатрия ёрдами кўрсатилиши вақтида бепул юридик ёрдам давлат тизими доирасида бепул юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.К. Шадманов):

психиатрия ёрдамини олиш имконияти, унинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, руҳий ҳолатлар бузилишининг ижтимоий ва иқтисодий юкини камайтириш, шунингдек аҳолининг кўрсатилаётган даволаш-диагностика ва тиббий-реабилитация ёрдамидан тўлиқ қониқиш ҳосил қилишига эришиш мақсадида аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини янада мақбуллаштириш юзасидан таъсирчан чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан биргаликда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари амалиётига руҳий ҳолатлар бузилишига ташхис қўйиш ва уларни даволаш клиник протоколларини жорий этсин;

руҳий ҳолати бузилган шахсларни замонавий юқори самарали дори воситалари билан таъминлаш бўйича чоралар кўрсин;

иш вақтини хронометраждан ўтказиш орқали, аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этадиган мутахассислар иш ҳажми нормативларини, келгусида штат нормативларига ўзгартишлар киритган ҳолда қайта кўриб чиқсин;

Концепция ва Комплекс чора-тадбирлар ижроси тўғрисида Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда ахборот тақдим этган ҳолда, уларнинг сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши устидан мониторинг ўтказилишини таъминласин;

Концепция ва Комплекс чора-тадбирлар ижросига, шунингдек аҳоли руҳий саломатлигини муҳофаза қилишга доир долзарб масалалар муҳокама-сига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни мунтазам тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш юзасидан чоралар кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини тайёрлаш ва киритишда аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари функциялари ҳамда ваколатлари аниқ чегараланишини назарда тутсин.

7. Қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимовга — Концепция ва Комплекс чора-тадбирларни ижро этиш юзасидан масъул вазирликлар ва идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига — Концепция ва Комплекс чора-тадбирларда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида бажариш;

илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари раҳбарларига — фундаментал ва амалий фанлар ривожланишини таъминлаш, шунингдек, аҳоли руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизмати учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш юзасидан шахсий жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарор мақсадлари ва вазифаларини, шунингдек Концепция ва Комплекс чора-тадбирлар ижросининг боришини ёритиш бўйича мақолалар ва мавзуга доир телекўрсатувлар ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 февраль,
ПҚ-4190-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 13 февралдаги
ПҚ-4190-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси
аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш
хизматини ривожлантириш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

**1-боб. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий
саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада
ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари**

1. 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясининг (кейинги ўринларда — Концепция) асосий мақсадлари психиатрия ёрдами олиш имконияти, унинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, руҳий ҳолатлар бузилишининг ижтимоий ва иқтисодий юкини камайтириш, шунингдек аҳолининг кўрсатилаётган даволаш-диагностика ва тиббий-реабилитация ёрдамидан тўлиқ қониқиш ҳосил қилишига эришишдан иборат.

Концепция Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари ҳамда аҳоли руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматларини ислоҳ этишда катта муваффақиятларга эришган илғор мамлакатлар тажрибасига асосланган ёндашувларни ўз ичига олади.

2. Концепция қисқа ва ўрта муддатли истиқболда республика аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини мақбуллаштириш бўйича стратегик йўналишлар ва тегишли тадбирларни белгилайди.

3. Концепциянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) қисқа муддатли истиқболда (2019 — 2021 йилларда):

руҳий ҳолати бузилган шахслар манфаатлари йўлида маъмуриятчилик сифатини ошириш, психиатрия хизмати билан давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида самарали ҳамкорлик тизимини шакллантириш;

руҳий саломатликни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этишдаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий этиш;

руҳий ҳолат ва хулқ-атвор бузилишларини инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ташхис қилиш ва даволаш (шу жумладан, ихтисослашмаган тиббиёт муассасаларида) стандартларини қайта кўриб чиқиш ва кейинчалик уларни клиник амалиёт ва таълим жараёнига жорий этиш;

«Соғлиқни сақлашнинг ихтисослашмаган муассасаларида руҳий ҳолат бузилишлари ва неврологик бузилишлар, шунингдек психофаол моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ бузилишлар муносабати билан ёрдам кўрсатиш бўйича mhGAP-IG қўлланмаси (2.0 версия)»ни жорий этиш;

аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасида хусусий тиббиёт амалиёти ривожланишини рағбатлантириш;

республиканинг барча ҳудудларида «гўдаклар психиатрияси» хизмати ривожлантириш;

туғма ва ирсий касалликлар билан хасталанган болалар туғилишининг олдини олиш учун перинатал скринингни амалга ошириш;

болалар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлайдиган механизмларни, жумладан, аҳолининг ушбу гуруҳи билан ишлаётган барча муассаса ва хизматларда болалар ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари тўғрисида тезкор хабардор қилишни жорий этиш;

психиатрия ёрдамнинг касалхонадан ташқари шакллари ривожлантириш;

ёрдамга муҳтож бўлган аҳолининг барча ёшдаги гуруҳларини психиатрия ёрдами билан қамраб олиш, руҳий ҳолати бузилган шахсларни аниқлаш, даволаш ва реабилитация қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш;

психиатрия ёрдами кўрсатувчи муассасаларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни реконструкция қилиш ва замонавий тиббий усқуналар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш);

«Психиатрия ёрдами кўрсатишда идоралараро мултидисциплинар бригада ишининг моделлари» методик тавсиясини ишлаб чиқиш;

б) ўрта муддатли истиқболда (2022 — 2025 йилларда):

аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини инновацион ривожлантириш, ёш жиҳатидан руҳий ҳолат бузилишларини профилактика, ташхис қилиш ва даволашнинг илғор технологияларини амалиётга жорий этиш;

аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини билан интеграция қилиш;

руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг спорт объектлари, маданият муассасалари ва бошқа объектлардан фойдаланиши учун зарур шароитлар яратишга кўмаклашиш;

деменция тўғрисида хабардорликни ошириш, шунингдек деменция билан касалланган одамларни парваришлаётган шахслар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш ва ўқитиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, «тиббий психолог ва психотерапевт», «ижтимоий ишлар бўйича мутахассис», «ижтимоий ходим» йўналишлари бўйича аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизмати мутахассисларини тайёрлаш;

республика психиатрия муассасаларида руҳий ҳолат ва ҳулқ-атвор бузилишларини даволашнинг инновацион диагностик ва даволаш-реабилитация технологияларини жорий этиш;

«Психиатрия ёрдами кўрсатишда идоралараро мултидисциплинар бригада ишининг моделлари»ни жорий этиш.

**2-боб. Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини
такомиллаштириш фаолиятининг асосий йўналишлари**

4. Ушбу Концепцияни амалга ошириш доирасида қуйидагилар кўзда тутилмоқда:

а) рухий саломатликни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани, шу жумладан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари амалиётига рухий ҳолат бузилишларини ташхис қилиш ва даволаш клиник протоколларини жорий этиш орқали янада такомиллаштириш;

б) даволаш-профилактика тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жумладан:

рухий ҳолати бузилган шахсларни амбулатория шароитида кўмаклашувчи терапияни амалга ошириш учун самарадорлиги юқори бўлган замонавий дори воситалари ва препаратлар билан таъминлаш;

рухий ҳолати бузилган шахсларнинг йўлдош касалликларини ташхис қилиш ва даволаш учун шароитлар яратиш;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари врачлари учун — аҳоли ўртасида суицидал хулқ-атворни профилактика қилиш модулларини жорий этиш;

асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида объектив маълумотларни тўплаш, ахборот олишнинг объективлиги ва тезкорлигини таъминлаш учун ахборот-коммуникация технологиялари тизимларини жорий этиш;

в) рухий саломатликни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги истиқболли йўналишлар бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш:

рухий ҳолат ва хулқ-атвор бузилишларини профилактика, ташхис қилиш, даволаш, реабилитация қилиш ва прогнозлаш масалаларига инновацион ёндашиш;

минтақавий, этник, ёшга оид, гендер ва бошқа хусусиятларни ўрганган ҳолда аҳолининг ғайриижтимоий хулқ-атвори даражасини мониторинг қилиш; ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни келтириб чиқарувчи стресс ҳолатларининг аниқ сабабларини, жумладан суд муҳокамаси материаллари асосида ўрганиш;

ёш жиҳатидан рухий ҳолат ва хулқ-атвор бузилишларини барвақт ташхис қилиш, даволаш ва профилактика қилиш усулларини такомиллаштириш;

г) рухий саломатликни муҳофаза қилиш соҳасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш:

психиатрия хизматлари фаолияти тўғрисидаги нотўғри тасаввурларга барҳам бериш масалаларида оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

рухий ҳолат бузилишларининг сабаблари, прогнози ва уларнинг аломатлари аниқланганда зарур ёрдам тўғрисидаги ахборотни тарқатиш;

рухий ҳолати бузилган шахслар, жумладан, уларнинг оила аъзолари учун таълим дастурларини, шу жумладан деменция билан касалланган одамлар

учун инклюзив жамиятни шакллантириш мақсадида рухий гигиена ва профилактика бўйича материалларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

таълим муассасаларида ва аҳолининг кенг қатламларида рухий саломатликни асрашга қаратилган соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

д) кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш:

давлат таълим стандартларини янада такомиллаштириш орқали рухий саломатлик соҳасидаги мутахассисларнинг профессионал даражасини ошириш;

рухий саломатликни муҳофаза қилиш хизмати мутахассисларини тайёрлаш ва тақсимлаш ҳажмларини ҳудудларнинг реал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, аҳоли сони ва бошқа маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб оптималлаштириш;

аҳолига психиатрия ёрдамини кўрсатишда иштирок этувчи мутахассисларнинг иш ҳажми нормативларини иш вақти хронометражини ўтказган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

кадр ресурсларини жалб этиш мақсадида рухий саломатликни муҳофаза қилиш хизмати мутахассислари ва оддий тиббиёт ходимлари учун меҳнат шароитларини яхшилаш, моддий таъминотини ошириш ва хизматда ўсиш имкониятларини кенгайтириш.

3-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

5. Концепцияни амалга ошириш 2021 йилга келиб:

аҳолига психиатрия ёрдамини кўрсатишнинг барча даражаларида соғлиқни мустаҳкамлаш, профилактика, ташхис қилиш ва даволаш бўйича хизматларнинг кенг доирасидан тенг фойдаланишни таъминлайдиган рухий саломатликни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани яратиш;

ёш жиҳатидан рухий ва хулқ-атвор бузилишларини соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида аниқлаш даражасини ошириш;

оилада ва таълим муассасаларида қулай шарт-шароитлар яратиш;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари томонидан аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш ҳисобига психиатрлар етишмовчилигини қоплаш;

кўрсатилаётган психиатрия хизмати сифатини оширган ҳолда давлат ва хусусий психиатрия муассасалари ўртасида рақобат муҳитини яратиш;

рухий саломатликни муҳофаза қилиш хизмати мутахассисларини тайёрлаш даражасини ошириш;

рухий ҳолат бузилишларининг асосий кўрсаткичларини тизимли мониторинг қилиш учун ахборот тизимини яратиш;

психиатрия ёрдамини кўрсатувчи муассасаларнинг моддий-техник ва санитария-гигиена шароитларини яхшилаш;

рухий саломатликни муҳофаза қилиш, рухий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан салбий қарашларнинг шаклланишига чек қўйиш, уларга нисба-

тан нотўғри тасаввурларга барҳам бериш масалаларида аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш;

давлатнинг узоқ вақт бўлиш ва/ёки яшаш муассасаларида болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш имконини беради.

6. Концепцияни амалга ошириш 2025 йилга келиб:

инновацион ахборот-коммуникация тизимлари асосида руҳий саломатлик соҳасида зарур даражада режалаштириш ва баҳолашни амалга ошириш; бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида руҳий ҳолат бузилишларини профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш бўйича кучли салоҳият-ни шакллантириш;

руҳий ҳолати ёки хулқ-атвори бузилган шахсларни ташхис қилиш, даволаш ва реабилитация қилишнинг халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳамда илғор хорижий мамлакатларда кенг қўлланиладиган усулларини жорий этиш;

аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатишнинг барча бўғинларида руҳий саломатликни сақлаш бўйича мутахассислар билан таъминланишини яхшилаш, кадрларнинг зарур даражадаги малакаси, кўникма ва юксак профессионал даражага етишишига мотивация яратиш;

деменция билан касалланган шахслар, шунингдек уларни парвариш қилаётган шахсларни профилактика, ташхис қилиш ва даволаш (жумладан, паллиатив ёрдам, реабилитация ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш) бўйича хизматларнинг кенг доираси билан таъминлаш;

руҳий ҳолати бузилган шахслар ва уларнинг яқинларини таълим дастурлари билан қамраб олиш имконини беради.

4-боб. Яқуний қоидалар

7. Концепцияни амалга оширишни мувофиқлаштириш ва унинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалга оширилади.

8. Натижаларга эришиш даражаси ва уларнинг самарадорлиги иловада* келтирилган индикаторлар бўйича Концепцияда назарда тутилган чоратадбирларнинг амалга оширилишини доимий мониторинг қилиш асосида баҳоланади.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**119 Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология
ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида***

Республикада аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва сил инфекция-сидан ҳимоялаш, сил ва ўпканинг носпецифик касалликлари тарқалишининг олдини олиш, барқарор санитария-эпидемиология ҳолатини сақлаб туриш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, экологик омиллар таъсирида ривожланадиган нафас органлари, айниқса сурункали обструктив ўпка касалликларига учраган беморлар сонининг ошиши кузатилмоқда, респиратор патологиянинг касаллик ривожлангунга қадар эрта скринингловчи функционал ташхислаш амалга оширилмаяпти.

Фтизиатрия ва пульмонология хизматларининг интеграциялашуви етарли даражада эмаслиги респиратор касалликларга замонавий ташхис қўйиш ва уларни даволаш усулларини амалиётга самарали татбиқ этишга имкон бермаяпти.

«Фтизиатрия» ва «пульмонология» мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими замон талабларига жавоб бермайди, натижада худудий муассасаларнинг фтизиохirurg, фтизиоуролог, фтизиоортопед, фтизиоофтальмолог, фтизиогинеколог, фтизиопедиатр, шунингдек пульмонолог каби малакали мутахассислар билан таъминланиши етарли даражада эмаслиги кузатилмоқда.

Фтизиатрия муассасалари моддий-техник базаларининг етарли даражада эмаслиги, тиббий жиҳозлар ва техникаларнинг етишмаслиги сил касали ва ўпканинг носпецифик касалликларига чалинган беморларга ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек мамлакатда барқарор санитария-эпидемиология ҳолатини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни кучайтириш ҳамда мазкур тизим муассасаларининг ресурс салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг сил ва ўпканинг носпецифик касалликлари тарқалишига қарши курашиш бўйича асосий вазифалари этиб белгилансин:

минтақавий эпидемиологик ҳолатни мунтазам равишда таҳлил қилиш ва мониторингини олиб бориш, сил ва унинг дориларга чидамли шакллари, ўпканинг носпецифик касалликлари тарқалиши тенденцияларини прогноз қилиш;

сил ва ўпканинг носпецифик касалликларини келтириб чиқарадиган қўзғатувчиларни лаборатор ташхислаш усулларини сифат жиҳатидан янада яхшилаш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 февралда эълон қилинган.

инновацион усулларни жорий қилиш асосида сил ва носпецифик ўпка касалликларининг олдини олиш борасидаги комплекс профилактика ишларини амалга ошириш, силнинг латент шаклларини, силни юктириб олиш хавфи юқори бўлган шахсларни, шунингдек силнинг дориларга чидамли турига чалинган беморлар билан мулоқотда бўлган шахсларни ташхислаш ва даволашни ташкиллаштириш;

сил ва ўпканинг носпецифик касалликларини профилактика қилиш, ўз вақтида ташхислаш ва даволашга йўналтирилган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича илмий тадқиқотларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами даражасида барчага сифатли тиббиёт хизматларини таъминлаган ҳолда силнинг тарқалишига қарши чора-тадбирларнинг ОИВ/ОИТСни даволаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш дастурлари билан интеграциясини ташкиллаштириш.

2. Қўйидагилар:

2019 — 2021 йилларда сил ва ўпканинг носпецифик касалликлари тарқалишига қарши курашиш комплекс чора-тадбирлари (кейинги ўринларда — Комплекс чора-тадбирлар) 1-иловага* мувофиқ:

2020-2021 йилларда фтизиатрия муассасалари биналарини реконструкция қилиш тадбирлари дастури 2-иловага* мувофиқ;

2020-2021 йилларда фтизиатрия муассасаларини замонавий ташхислаш, даволаш ва реанимация ускуналари билан жиҳозлаш чора-тадбирлари дастури 3-иловага* мувофиқ;

2020-2021 йилларда силга қарши санаторийларни замонавий реабилитация, ташхислаш ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш чора-тадбирлари дастури 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда хорижий давлатлар, халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари)ни, грантларини ушбу қарорда тасдиқланган Комплекс чора-тадбирлари ва дастурлари бажарилиши учун жалб қилиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент тиббиёт академиясида, кейинчалик бошқа тиббиёт олий таълим муассасаларида «Пульмонология» мутахассислиги бўйича магистратурада кадрларни тайёрлашни босқичма-босқич ташкиллаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб «Фтизиатрия» ва «Пульмонология» мутахассислиги бўйича магистратура ва клиник ординатурада кадрларни тайёрлаш фақат давлат грантлари асосида амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

* 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

иммунодиагностикани ўтказиш мақсадида 2019 йил 1 апрелга қадар сил касаллигини юктириб олиш хавфи юқори бўлган шахсларнинг асосланган контингентини аниқласин;

2019 йил 1 майга қадар Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг ҳудудий марказларининг янгиланган ташкилий-штат тузилмаларини «Соғлиқни сақлаш» тармоғи бўйича кўзда тутилган йиллик бюджет маблағлари доирасида тасдиқласин;

2019 йил 1 майга қадар республика, вилоят ва туман (шаҳар) миқёсида кўрсатиладиган тиббий хизматлар ҳажмини, пульмонолог хонасини жиҳозлаш стандартларини, мутахассисларнинг функционал вазибаларини белгиланган ҳолда пульмонология бўлимлари фаолиятини ташкиллаштиришни назарда тутувчи пульмонология йўналиши бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини тасдиқласин;

2019 йил 1 июнга қадар Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган шахсларда аниқланган латент силни ташхислаш ва даволаш тадбирларини ташкиллаштириш, шунингдек ушбу тадбирларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш бўйича таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига уч ой муддатда сифатли ташхислаш, силга қарши дори ва индивидуал ҳимоя воситаларини ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва ривожлантириш бўйича таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тиббиёт олий таълим муассасаларининг ўқув дастурлари ва юктамаларини танқидий ўрганиш натижалари асосида тиббиёт олий таълим муассасаларининг «Фтизиатрия» кафедраларини «Фтизиатрия ва пульмонология» кафедраларига қайта ихтисослаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар сил ва ўпканинг носпецифик касалликлари, шунингдек фтизиатрия муассасаларини моддий-техник жиҳозлашнинг замонавий клиник қўлланма ва протоколлар, ташхис ва даволаш сифатига оид стандартларни ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда фтизиатрия муассасаларини иммунодиагностика ва силга қарши дори воситалари билан таъминлаш учун зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

7. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимовга — ушбу қарорда белгиланган вазибаларнинг тўлиқ бажарилиши бўйича

вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ҳамда унинг амалга оширилишини мунтазам кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоровга — ушбу қарорда белгиланган тадбирларни тўлиқ бажариш учун зарур маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда ажратиш;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадмановга — ушбу қарорда белгиланган барча тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, фтизиатрия муассасалари ва силга қарши санаторийлари биноларининг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши ҳамда замонавий жиҳозлар билан таъминланиши юзасидан шахсий жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳоли орасида сил ва носпецифик ўпка касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш, даволаш масалалари бўйича ахборот-маърифат ишларини мунтазам равишда амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 февраль,
ПҚ-4191-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**120 Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида***

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини рўёбга чиқариш, шунингдек аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бизнесни ривожлантириш мақсадида давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини сифат жиҳатидан янги даражага ўтказиш жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Қисқа вақт оралиғида «ягона дарча» тамойили бўйича кўрсатилаётган давлат хизматлари сони 100 та хизматдан ортди, хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилаётган фуқаролар сони эса 50 баробарга ошди. Бунда, кўрсатиладиган давлат хизматлари кўрсаткичи қўшимча давлат хизматлари жорий этилиши муносабати билан яна икки баробар ортиши кутилмоқда.

Бизнес юритишда ортиқча бюрократик жараёнларни тубдан қисқартириш ва давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада ривожлантириш мақсадида:

1. 2019 йил 1 июндан бошлаб шундай тартиб белгилансинки, унга кўра: жисмоний ва юридик шахслар давлат хизматлари марказларида (кейинги ўринларда — Марказлар) фуқаролар доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан ва юридик шахслар почта манзилдан (жойлашган еридан) қатъи назар, давлат хизматларини экстерриториал тамойил бўйича олишга ҳақли;

давлат хизматларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — Ягона портал) орқали мурожаат этганда, давлат божи, йиғимлар ва бошқа тўловлар Марказлар орқали ёки бевосита хизмат кўрсатувчи органларга мурожаат этганда тўланадиган суммадан 90 фоиз миқдорида тўланади;

Ягона портал орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари учун давлат божлари ва йиғимларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтириладиган қисми 20 фоиздан 10 фоизга камайтирилади ва бўшайдиган маблағлар қолган олувчилар орасида мутаносиб равишда тақсимланади;

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва ташкилотлар давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда белгиланган рўйхат бўйича маълумотларни ўзларининг маълумотлар базаларига ва

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 февралда эълон қилинган.

ахборот тизимларига электрон кўринишда электрон маълумотлар базаларини шакллантириш учун киритиб борадилар.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, давлат хизматлари кўрсатувчи бошқа идора ва ташкилотлар ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда ўзларининг идоравий ахборот тизимларида, ресурсларида ва маълумотлар базаларида мавжуд ва давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ахборот ва маълумотларни «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилишини ҳамда Агентликка зарур ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш имконини таъминласин.

3. Қўйидагилар:

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг 2019 йил 1 апрелдан бошлаб бекор қилинадиган айрим турлари рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

Давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгиловчи нормалари мавжуд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юқорироқ юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаган ҳолда қайта кўриб чиқиш жадвали (кейинги ўринларда — Жадвал) 2-иловага* мувофиқ;

Давлат хизматларини оптималлаштириш, давлат хизматлари кўрсатилиши учун зарур бўлган маълумотларнинг электрон базаларини шакллантириш ҳамда идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини «Электрон ҳукумат» тизимига интеграция қилиш бўйича тадбирлар режаси 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вазирлик ва идоралар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Жадвалга мувофиқ қайта кўриб чиқилишини:

Агентлик, Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази ва бошқа манфаатдор идоралар ходимларини жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳлар тузиш;

аниқ бир турдаги давлат хизматини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани ялпи хатловдан ўтказиш;

давлат хизматларини оптималлаштириш, асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва эскирган тартибга солиш механизмларини бартараф этиш;

конун ҳужжатларини қисқартириш, нормаларнинг кўплигини бартараф этиш ва уларни ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатга бирлаштириш орқали нормаларни тизимлаштириш;

давлат хизматлари кўрсатиш тартибларини Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонунига мослаштириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган муддатларда киритиш орқали таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг 3-илоvasида кўрсатилган вазирлик, идора ва бош-

* 1 — 3-иловалар «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига Тадбирлар режасининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. 2019 йил 1 августдан бошлаб давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний шахслардан жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотномалар, солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳномалар, тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида маълумотномалар талаб қилиниши тақиқлансин.

Белгилансинки, давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар мазкур бандда назарда тутилган ҳужжатларни давлат солиқ хизмати органлари, АТБ «Халқ банки», Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан электрон ўзаро ҳамкорлик орқали фақат идоралараро интеграциялашув платформасига ахборот олиш учун уланиш йўли билан мустақил равишда сўрайдилар ва оладилар;

Давлат солиқ қўмитаси, АТБ «Халқ банки», Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси 2019 йил 1 июлга қадар давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ахборот тизимларини такомиллаштирсин ҳамда мазкур бандда назарда тутилган ахборот ва ҳужжатларни фақат идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этсин.

7. Агентликка Марказлар орқали давлат хизматларини жойларга чиққан ҳолда кўрсатиш (етказиб бериш) бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган тарифлар асосида пулли экспресс-хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи берилсин. Бунда, ногиронлиги бўлган шахслар ва бориш қийин бўлган туманлар аҳолисига экспресс-хизматлар текин кўрсатилиши назарда тутилсин.

8. Давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига:

фақат Марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини жорий этиш бўйича тадбирларни ўз вақтида бажариш;

давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларининг серверларида профилактика ишларини иш вақтидан ташқарида олиб бориш;

давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган ўзларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларидаги носозликлар ҳақида Агентликни хабардор қилиш, шунингдек уларни зудлик билан тузатиш чораларини кўриш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Агентликка хўжалик бошқарув органлари, уй-жой коммунал ва фойдаланиш хўжалиги ташкилотлари томонидан турли хизматлар кўрсатилиши сифати устидан, жумладан хизмат кўрсатиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва фуқаролар учун бошқа қулайликлар яратиш юзасидан мониторинг олиб бориш ваколати берилсин.

Агентликка:

хўжалик бошқарув органларига, уй-жой коммунал ва фойдаланиш хўжалиги ташкилотларига аниқланган қонун бузилишлари ва камчиликларни, уларнинг йўл қўйилишига олиб келган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритиш;

давлат хизматлари кўрсатиш талаблари ва тартибини бузганлик учун айбдор бўлган мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда давлат хизматлари кўрсатишда Марказлар ходимлари томонидан аризачилардан нақд ва нақдсиз пул қабул қилиш механизмини жорий этсин;

бир ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда давлат хизматларини тезлаштирилган тартибда оширилган тарифлар бўйича кўрсатиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

уч ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда давлат бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида самарадорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичлари (КРІ) (кўрсатилган хизматларнинг миқдори ва сифати, хизмат кўрсатиш тезлиги, ходимнинг хушмуомалалиги ва малакалилиги, мурожаатчиларнинг фикрлари ва бошқалар) ҳамда уларнинг фаолиятини баҳолаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

уч ой муддатда Агентликнинг «Call service» орқали давлат хизматлари кўрсатиш механизмини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқсин ва қабул қилсин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар «ФХДЁ ягона электрон архиви» ахборот тизимининг блокчейн технологиясидан фойдаланиш асосида, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартларида жорий этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда юқори синфлар учун «Информатика ва ахборот технологиялари» фанининг ўқув дастурига «Электрон ҳуқумат» тизими хизматларидан фойдаланиш, талаб энг юқори бўлган давлат хизматларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан Ягона порталдан фойдаланган ҳолда олиш кўникмаларига ўргатишга бағишланган махсус бўлим киритсин.

12. Иқтисодий ривожланиш даражаси ортда қолаётган туманлар ҳамда чекка ҳудудларга салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3701-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузуридаги Давлат хизматлари марказлари биноларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилиши-

ни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори доирасида қўшимча объектларни қуриш учун инвесторларга барча имтиёз ва афзалликлар сақлаб қолинган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ҳудуд миқёсидаги бошқа туман (шаҳар)дан ер участкаларини ажратишга рухсат берилсин.

13. Давлат хизматлари марказлари биноларини қуриш Режа-жадвали 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига Режа-жадвални ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

Агентлик Режа-жадвалнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли мониторингни ўрнатсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига унинг ижро этилиши тўғрисида ҳар чоракда ахборот киритсин.

14. 2021 йил 30 ноябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Агентлик томонидан Марказлар, нотариуслар ва ФХДЁ архивларини жиҳозлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган сервер ва компьютер ускуналари, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, дастурий таъминот, асбоблар ва қурилмалар, бошқа ускуналар божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Т.А. Худайбергенов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 15 февраль,
ПҚ-4193-сон

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

121

Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузуридаги фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари томонидан бепул консалтинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер хўжаликларида ҳисоб тизимини тубдан яхшилаш ва уларга банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 июлдаги ПҚ–3824-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа эгалари кенгашлари ҳузуридаги Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари (кейинги ўринларда марказлар деб аталади) томонидан бепул консалтинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, марказлар:

туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари аъзоси ҳисобланадиган, давлат харидлари учун пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликларига бепул консалтинг хизматлари кўрсатади;

туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг таклифига кўра молиявий ресурслари чекланган ва бухгалтерия ҳисобига эга бўлмаган, аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлайдиган, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланувчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бошқа турларини етиштирувчи фермер хўжаликларига шартномага мувофиқ бепул консалтинг хизматлари кўрсатишлари мумкин;

ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилмаган фермер хўжаликларига, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи бошқа хўжалик юритувчи субъектларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пуллик консалтинг хизматлари кўрсатади.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 февралда эълон қилинган.

ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа эгалари кенгаши раиси вазифасини бажарувчи А.А. Хаитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 февраль,
131-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 15 февралдаги 131-сон қарорига
ИЛОВА

**Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузуридаги Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари томонидан бепул консалтинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузуридаги Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари томонидан бепул консалтинг хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари — (кейинги ўринларда марказлар деб аталади) туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузурида ташкил этилган фермер хўжаликларида бепул консалтинг хизматлари кўрсатувчи муассаса;

бепул консалтинг хизматлари — тўлов ундирилмаган ҳолда ушбу Низомга мувофиқ фермер хўжаликларида марказлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар;

бухгалтер — олий иқтисодий маълумотга ёки бухгалтерия ҳисоби йўналиши бўйича ўрта махсус маълумотга эга бўлган ҳамда марказларнинг штат жадвалида турадиган жисмоний шахс;

солиқ ва статистика ҳисоботлари бўйича маслаҳатчи — олий иқтисодий маълумотга ёки аудиторлик фаолияти йўналиши бўйича ўрта махсус маълумотга эга бўлган ҳамда марказларнинг штат жадвалида турадиган жисмоний шахс.

3. Бепул консалтинг хизматлари туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари аъзоси ҳисобланадиган, давлат харидлари учун пахта хом ашёси ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларида марказлар томонидан кўрсатилади.

Марказлар туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг таклифига кўра молиявий ресурслари чекланган ва бухгалтерия ҳисобига эга бўлмаган, аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлайдиган, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланувчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бошқа турларини етиштирувчи фермер хўжаликларига шартномага мувофиқ бепул консалтинг хизматлари кўрсатишлари мумкин.

4. Марказлар ушбу Низомнинг 3-бандида назарда тутилмаган фермер хўжаликларига, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи бошқа хўжалик юритувчи субъектларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пуллик консалтинг хизматлари кўрсатади.

5. Консалтинг хизматлари кўрсатиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

қонун устуворлиги;

фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги;

фаолиятнинг мустақиллиги ва махфийлиги ҳамда шартномавий мажбуриятларга риоя қилиш.

2-боб. Марказлар фаолиятини ташкил этиш ва улар томонидан кўрсатиладиган консалтинг хизматлари

6. Марказлар туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари томонидан муассаса шаклида ташкил этилади.

7. Марказлар қуйидаги консалтинг хизматларини кўрсатади:

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини таъминлаш;

ходимларнинг иш ҳақи ва мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш;

асосий маблағларни, товар-моддий бойликларни, шунингдек, қишлоқ хўжалиги мавсуми яқунлари бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзларни хатловдан ўтказиш;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ органлари билан бирга таққослашларни амалга ошириш ва уларнинг ўз вақтида тўланишини ташкил этиш;

солиқ ва молиявий ҳамда статистика ҳисоботларини тузиш ва уларни тегишли органларга тақдим қилиш;

даромадлар ва харажатларни таҳлил қилиш ва келгуси йил учун бизнес-режа тузишда амалий ёрдам кўрсатиш.

3-боб. Марказларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

8. Марказлар консалтинг хизматларини кўрсатишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

консалтинг хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни олиш;

консалтинг хизматлари кўрсатилаётган фермер хўжалиги раҳбари ва

бошқа ходимларини чақиришга, улардан қонун ҳужжатлари, устав фаолияти, таъсис ҳужжатларининг бузилиши ҳолати юзасидан оғзаки ва ёзма тунтиришлар талаб қилиш;

зарур ҳужжат ва бошқа маълумотларни давлат органларидан олиш;

шартнома шартлари фермер хўжалиги томонидан бузилган тақдирда консалтинг хизматлари кўрсатишни бекор қилиш;

марказлар консалтинг хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4-боб. Консалтинг хизматлари кўрсатиш бўйича шартнома тузиш ва уни бекор қилиш тартиби

9. Марказлар томонидан бепул консалтинг хизматларини кўрсатиш ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

10. Консалтинг хизматлари кўрсатиш бўйича шартнома тузиш учун фермер хўжаликлари ўз хоҳишига кўра марказларга ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги консалтинг хизматларидан фойдаланиш эҳтиёжи тўғрисида буюртма (кейинги ўринларда фермер хўжалигининг буюртмаси деб аталади) тақдим қилади.

11. Фермер хўжалигининг буюртмаси марказлар томонидан уч кун мобайнида кўриб чиқилади. Буюртмани кўриб чиқиш якунлари бўйича марказлар фермер хўжаликларига бепул ёки пуллик консалтинг хизматлари кўрсатиш бўйича шартнома тузишни таклиф қилади.

12. Ушбу Низомнинг 3-банди биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган фермер хўжаликлари билан икки кун мобайнида бепул консалтинг хизматларини кўрсатиш шартномаси бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади.

13. Марказлар фермер хўжаликларига кўрсатиладиган бепул консалтинг хизматлари ҳисобини юритади. Ҳар ойда марказ ва фермер хўжалиги ўртасида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда кўрсатилган бепул консалтинг хизматлари тўғрисида далолатнома тузилади.

14. Кўрсатилган бепул консалтинг хизматлари тўғрисидаги далолатнома Марказлар томонидан ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 10-кунидан кечикмай тегишли туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига тақдим қилинади.

15. Фермер хўжаликлари томонидан туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига аъзолик бадаллари ўз муддатида тўланмаган тақдирда мазкур шартнома бекор қилиниши мумкин.

Марказ томонидан бепул консалтинг хизматлари тўлиқ кўрсатилмаган ёки тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганда ёхуд хизмат кўрсатишнинг муддатлари бузилган ҳолларда Марказ ходимларига нисбатан интизомий чоралар кўрилади.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5-боб. Якунловчи қоидалар

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда Марказлар томонидан ушбу Низомга риоя қилиниши устидан назоратни ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

17. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузуридаги Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари томонидан бепул консалтинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказининг номи

БУЮРТМА

(Бепул консалтинг хизматлари кўрсатишга шартнома тузиш юзасидан)

(Фермер хўжалиги номи) фермер хўжалиги қуйидаги бепул консалтинг хизматлари кўрсатишга шартнома тузишни сўрайди:

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини таъминлаш;

ходимларнинг иш ҳақи ва мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш;

асосий маблағларни, товар-моддий бойликларни, шунингдек, қишлоқ хўжалиги мавсуми якунлари бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзларни хатловдан ўтказиш;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ органлари билан бирга таққослашларни амалга ошириш ва уларнинг ўз вақтида тўланишини ташкил этиш;

солиқ ва молиявий ҳамда статистика ҳисоботларини тузиш ва уларни тегишли органларга тақдим қилиш;

даромадлар ва харажатларни таҳлил қилиш ва навбатдаги йил учун бизнес-режа тузишда амалий ёрдам кўрсатиш.

(Фермер хўжалиги номи)

фермер хўжалиги бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузуридаги Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари томонидан бепул консалтинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

**Бепул кўрсатилган консалтинг хизматлари тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

*(бепул консалтинг хизматлари кўрсатишга
«___» _____ йилдаги ___-сон шартнома бўйича)*

Устав асосида иш юритувчи (бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритиш марказининг номи) номидан директор (фамилияси, исми, отасининг исми), бундан буён Марказ деб юритилади, бир томондан, ҳамда Устав асосида иш юритувчи (фермер хўжалиги номи) бошлиғи (фамилияси, исми, отасининг исми), бундан буён Фермер хўжалиги деб юритилади, иккинчи томондан, ушбу далолатномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Марказ томонидан фермер хўжалигининг (кун, ой, йил) дан (кун, ой, йил) гача даврдаги фаолияти бўйича қуйидаги консалтинг хизматлари кўрсатилди:

бухгалтерия ҳисоботи тузилди;

ишчи ходимларнинг иш ҳақи ва ундан бюджетга мажбурий ажратмалар ҳисоблаб чиқилди ва тўланди;

хўжаликнинг асосий маблағлари, товар-моддий бойликлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги мавсуми якунлари бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзлари хатловдан ўтказилди;

солиқ ва молиявий ҳамда статистика ҳисоботлари тузилди ва улар тегишли органларга тақдим қилинди;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича таққослашлар амалга оширилди ва тўланиши ўз вақтида таъминланди;

даромадлар ва харажатлар таҳлил қилинди ва келгуси йил учун бизнес-режа тузишда амалий ёрдам кўрсатилди.

2. Кўрсатилган консалтинг хизматлари йил «___» _____ даги ___-сон Бепул консалтинг хизматлари кўрсатиш шартномаси билан белги-ланган шартларга мувофиқ келади, ўз муддатида бажарилди, лозим даражада расмийлаштирилди ва Фермер хўжалиги томонидан тўлиқ қабул қилинди. Кўрсатилган консалтинг хизматлари сифати ва ҳажми юзасидан фермер хўжалигининг ҳамда тегишли органларнинг Марказга эътирозлари мавжуд эмас.

3. Ушбу далолатнома йил «___» _____ даги ___-сон Бепул консалтинг хизматлари кўрсатиш шартномаси шартларига мувофиқ икки нусхада тузилди.

Тарафларнинг имзолари, манзиллари ва реквизитлари

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи
юритиш маркази

(*Фермер хўжалиги номи*)
фермер хўжалиги

Директорнинг **Ф.И.Ш.** (*имзо*)

Бошлиқнинг **Ф.И.Ш.** (*имзо*)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

122 **Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Транспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш учун мўлжалланган ишлаб чиқариш-техник база жойлаштириладиган хона ва майдонларга доир ягона талабларни белгилаш, шунингдек, амалга ошириладиган ишлар ва хизматларнинг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 15 февраль,
136-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 февралда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 15 февралдаги 136-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 12-модда) билан тасдиқланган Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Транспорт воситаларининг техник ҳолатини баҳолаш учун мўлжалланган ишлаб чиқариш-техник база жойлаштириладиган хона ва майдонларга доир талаблар ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ белгиланади.

Техник диагностика воситаларининг сони ва тавсифларига, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир талаблар қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади»;

б) қуйидаги мазмундаги 1-илова қўшилсин:

«Транспорт воситаларини мажбурий
техник кўриқдан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Транспорт воситаларининг техник ҳолатини баҳолаш
учун мўлжалланган ишлаб чиқариш-техник база
жойлаштириладиган хона ва майдонларга доир
ТАЛАБЛАР**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Талаблар ДЙХХХ диагностика станциялари, вазирликлар ва идоралар, бошқа ташкилотлар ҳамда жисмоний шахсларга тегишли техник хизмат кўрсатиш станциялари, тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар томонидан транспорт воситаларининг техник ҳолатини баҳолаш учун мўлжалланган ишлаб чиқариш-техник база (лабораториялар) (кейинги ўринларда ишлаб чиқариш-техник база деб аталади) жойлаштириладиган хона ва майдонларнинг параметрларига доир техник нормаларни белгилайди.

2. Ишлаб чиқариш-техник база белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган, транспорт воситаларининг техник ҳолатини техника жиҳатидан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолашни ташкил этиш ва ўтказиш учун тегишли технологик, синов жиҳозлари ва ўлчаш воситалари билан таъминланган бўлиши зарур.

2-боб. Ишлаб чиқариш-техник базанинг худудига доир талаблар

3. Ишлаб чиқариш-техник база худудининг ўлчамлари қуйидаги мажбурий элементларнинг жойлаштирилиши имкониятини назарда тутган бўлиши керак:

ишлаб чиқариш хоналари;

техник ҳолати баҳоланиши кутилаётган ва тугалланган транспорт воситалари учун майдон;

хона ва майдонларга кириш ва ўтиш йўллари.

4. Ишлаб чиқариш-техник база худудида транспорт воситалари ҳаракатини ташкил этиш учун қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:

сунъий ёритиш чироқлари, шу жумладан куннинг қоронғи вақтида ҳамда кириш йўли ва худуди;

қатнов қисми текис ва қаттиқ қопламали (асфальтбетонли ёки цементбетонли) бўлган кириш йўли, майдон;

периметри бўйича ўрнатилган тўсик.

5. Ишлаб чиқариш-техник база худуди ёки у жойлашган ташкилотга кириш жойи олдида ишлаб чиқариш-техник базанинг иш режими ва техник ҳолати, баҳолашдан ўтказиладиган транспорт воситаларининг ҳаракатланиш схемаси кўрсатилган ахборотли стенд ўрнатилган бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш-техник база биносида кенглиги 2,0 метрдан ва баландлиги 0,7 метрдан кам бўлмаган ўлчамдаги, давлат тилида «Техник ко'рик» ёзуви бўлган пешлавҳа ўрнатилган бўлиши керак. Ёзув бошқа тилларда такрорланиши ҳам мумкин.

6. Ишлаб чиқариш-техник базанинг ишлаб чиқариш хонасига кириш йўллари бўйлаб транспорт воситаларининг ҳаракатини ташкил этиш қуйидаги талаблар асосида бажарилади:

транспорт воситаларининг бир томонлама ҳаракатини ташкил этиш;

транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун имконият яратиш;

ишлаб чиқариш-техник база худудида транспорт воситаларининг рухсат этилган ҳаракат йўналишларини тегишли йўл чизиқлари билан белгилаш.

7. Ишлаб чиқариш-техник база худуди ичимлик ва ишлаб чиқариш сув қувурлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

8. Ишлаб чиқариш-техник база худуди майдонининг юзаси текис, сув қувурлари ва сув оқиб кетадиган ариқ мавжуд бўлиши керак.

9. Ишлаб чиқариш-техник базага кириш ҳамда унинг худуди бўйлаб транспорт воситаларининг ҳаракатланиши, барча мавжуд иншоотлар, йўл белгилари ва чизиқлари кўрсатилган ҳолдаги схемаси худудида ишлаб чиқариш-техник база жойлашган ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Йўлнинг кенглиги енгил автомобиллар учун — 3 метрдан, юк автомобиллари ва автобуслар учун — 4,5 метрдан кам бўлмаслиги керак.

10. Техник ҳолати баҳоланиши кутилаётган ва тугалланган транспорт воситаларини жойлаштириш учун майдонларнинг ўлчамларини аниқлашда

баҳоланадиган транспорт воситаларининг габарит ўлчамлари ва техник кўрик линиясининг бир соатдан кам бўлмаган вақтдаги ишлаб чиқариш қувватига тенг бўлган транспорт воситаларининг айнан бир вақтда майдонда бўлиши эътиборга олинishi керак.

11. Ишлаб чиқариш-техник базанинг ишлаб чиқариш хонасига кириш олдидаги майдоннинг кенглиги ишлаб чиқариш хонаси кенглиги билан тенг бўлиши, узунлиги эса — 20 метрдан кам бўлмаслиги керак.

12. Сиқилган ва суюлтирилган табиий газ ёқилғисида ишлайдиган транспорт воситаларини баҳолашга мўлжалланган хоналарнинг ертўлада, аҳоли яшаш уйларига ва бошқа корхоналар биноларига туташган ҳолда жойлаштирилишига рухсат этилмайди.

3-боб. Ишлаб чиқариш-техник базанинг хоналарига доир талаблар

13. Ишлаб чиқариш-техник база таркибига қуйидагилар киритилиши керак:

ишлаб чиқариш хонаси;

транспорт воситалари эгаларини қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун хона;

транспорт воситасининг техник ҳолатини баҳолаш натижаларини расмийлаштириш учун хона;

санитария-гигиена хоналари.

14. Ишлаб чиқариш-техник базанинг ишлаб чиқариш хоналари қуйидагиларни инobatга олган ҳолда режалаштирилади:

транспорт воситасининг техник ҳолатини баҳолашдан ўтказиш дастури;

қўлланиладиган ўлчаш воситалари ва синов жиҳозлари;

транспорт воситасининг техник ҳолатини баҳолаш ва натижаларини расмийлаштиришнинг технологик жараёни;

ёнғинга қарши хавфсизлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари.

15. Ишлаб чиқариш-техник базанинг ишлаб чиқариш хонаси ўлчамлари мазкур Талабларнинг иловасига мувофиқ техник кўрик линияларининг технологик постлари сони ва баҳоланадиган транспорт воситаларининг габарит ўлчамларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

16. Ишлаб чиқариш-техник базанинг ишлаб чиқариш хонаси режаси ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини технологик лойиҳалаштириш қоидалари ва нормалари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш корпуси хонасининг бўртиб чиққан қурилиш конструкцияларигача баландлиги енгил автомобиллар учун — 4,0 метрдан, юк автомобиллари ва автобуслар учун — 7,0 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Хоналарнинг поли текис, нефть маҳсулотлари таъсирига чидамли бўлиши керак.

17. Хонада барча технологик жараёнларни меҳнатнинг санитария-гигиена шароитларига тўлиқ мувофиқ ҳолда хавфсиз ва рационал бажарилиши таъминланиши керак.

18. Ишлаб чиқариш хоналаридаги шовқин ва вибрация даражаси санитария-гигиена нормаларида белгиланган, рухсат этилган кўрсаткичлардан ошмаслиги керак.

19. Хона ва иш жойларининг табиий ва сунъий ёритилиши ишларнинг хавфсиз бажарилиши, одамлар учун хавфсиз бўлиши ва уларнинг ҳаракатланишини таъминлаш учун етарли ва қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

иш жойларида хонанинг поли сатҳида — камида 200 лк;

ишчи хоналарда (кабинетларда) полдан 0,8 метр баландликдаги сатҳда — камида 200 лк;

кўриқдан ўтказиш хандағида транспорт воситаларининг таг қисми сатҳида — камида 150 лк.

Авария (фавқулодда) ҳолатлар учун ёритилиши иш юзасининг умумий ёритилиши учун белгиланган нормаларнинг 5 фоиздан кам бўлмаслиги, лекин камида 2 лк бўлиши керак.

20. Транспорт воситаларининг техник ҳолатини баҳолашдан ўтказиш учун мўлжалланган хоналардаги ҳаво ҳарорати ўтказиладиган синов методларига доир норматив ҳужжатлар нормаларига мувофиқ бўлиши керак. Ишлаб чиқариш-техник базаси биноларидаги ҳаво ҳарорати йилнинг совуқ даврида — 15 °С дан 25 °С гача, иссиқ даврида — 22 °С дан 30 °С гача ораликда бўлиши керак.

21. Транспорт воситаларининг корхона ҳудудида ҳаракатланиш тезлиги очик йўлларда — 10 км/с дан, хона ичида — 5 км/с дан ортиқ бўлмаслиги керак.

22. Ишлаб чиқариш-техник базанинг ишлаб чиқариш хонасига кириш жойи пешлавҳа билан белгиланади ва сутканинг қоронғи пайтида ёритилади. Ишлаб чиқариш хонасига кириш (чиқиш) йўли ишлаб чиқариш хонасидан бошқариладиган ёруғлик (масалан, светофор) сигнализацияси билан жиҳозланади.

Кириш дарвозаси устида 3.13 «Чекланган баландлик», 3.14 «Чекланган кенглик» ва 3.24 «Юқори тезлик чекланган (5 км/с)» йўл белгилари жойлаштирилади.

23. Ишлаб чиқариш-техник база хонасининг миждозлар учун қулай бўлган жойида қуйидаги маълумотлар акс эттирилган ахборот стенди ёки бошқа махсус қурилма ўрнатилади:

ишлаб чиқариш-техник базанинг тегишлилиги (кимнинг тасарруфидалиги), жойлашган жойи, иш тартиби ва режими, алоқа телефонлари;

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Call-маркази телефони ва ҳудудий ЙХХБнинг ишонч телефони рақамлари, таклиф ва эътирозлар китоби сақланадиган жой ва уни юритиш (сақлаш) учун масъул бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

транспорт воситаларининг техник ҳолатини баҳолаш учун текширишдан ўтиш тартиби, текшириладиган (баҳоланадиган) параметрлар ва нормативлар, мажбурий техник кўриқдан ўтказишнинг даврийлиги ва техник ҳолатни баҳолаш натижалари тўғрисидаги ҳужжатни бериш тартиби;

транспорт воситасининг техник ҳолатини баҳолашдан ўтказиш учун қонунчиликка мувофиқ тақдим этилиши зарур бўлган ҳужжатлар, мажбурий техник кўриқдан ўтиш учун тўлов миқдори, зарур жараёнларни амалга ошириш муддати ва бошқа маълумотлар.

24. Ишлаб чиқариш хонаси электр таъминоти (ёритиш) учун электр тармоқлари, шунингдек, қувват бериш кабеллари (диагностика жиҳозларининг электр энергияси таъминоти учун) ва тақсимлагич электрошитлар билан электр хавфсизлиги талабларини белгиловчи норматив ҳужжат талабларига мувофиқ жиҳозланади.

25. Ишлаб чиқариш-техник базанинг ишлаб чиқариш хонасининг иккитадан кам бўлмаган эвакуацион чиқиш жойлари мавжуд бўлиши назарда тутилади. Эвакуацион чиқиш жойларининг эшиклари хонадан ташқари томонга очиладиган, ўтиш йўлагининг кенглиги 1 метрдан кам бўлмаслиги керак.

26. Ишлаб чиқариш-техник базанинг ёнғиндан ҳимояси, ёнғиннинг олдини олиш тизими ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда портлаш хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий-техник тадбирлар қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

27. Транспорт воситалари эгаларини (кейинги ўринларда транспорт эгалари деб аталади) қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш хонаси (биноси) ҳамда транспорт воситасининг техник ҳолатини баҳолаш натижалари ҳақидаги ҳужжатни расмийлаштириш учун хона ишлаб чиқариш-техник базанинг ишлаб чиқариш хонасида ёки унга бевосита яқин жойда бўлиши керак. Ушбу хоналарга кириш тегишли кўрсаткичлар билан белгилаб қўйилади.

28. Транспорт эгаларини қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун хоналарнинг ўлчамларини аниқлашда уларда ишлаб чиқариш-техник базанинг ходими томонидан ҳужжатларни расмийлаштириш учун иш жойларининг ҳамда транспорт эгаларининг кутиб туриши учун жойлар назарда тутилиши керак. Транспорт эгаларининг кутиб туриши учун жойлар сони ҳар бир техник кўриқ линиясига бештадан кам бўлмаслиги керак.

29. Ишлаб чиқариш-техник база ишлаб чиқариш хонасининг санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги ваколатли санитария-эпидемиология назорат органининг тегишли хулосаси билан тасдиқланади.

4-боб. Ишлаб чиқариш-техник базанинг ишлаб чиқариш хонасини технологик режалаштиришга доир талаблар

30. Ишлаб чиқариш-техник базанинг диагностика жиҳозлари технологик лойиҳалашга доир талаблар ва нормаларга амал қилган ҳолда ўрнатилиши керак.

31. Транспорт воситасининг техник ҳолатини баҳолаш двигател ишлаб турган пайтда бажариладиган постлар (ишлаб чиқарилган газлардаги тутун ва захарли газ миқдорини, шовқин даражасини, тормозланиш самардорлиги кўрсаткичларини текшириш ва бошқалар) транспорт воситасидан

газларни чиқариш қувури (қувурлари)дан чиқаётган ишлаб чиқарилган газларни ташқарига олиб чиқиш тизими билан жиҳозланади.

32. Транспорт воситаларининг ишлаб чиқариш-техник база ишлаб чиқариш хонасига кириши (чиқиши) учун ҳар бир техник кўрик линиясида: универсал линиялар учун — кенглиги 3,0 метрдан ва баландлиги 4,3 метрдан кам бўлмаган;

M1 ва N1 тоифасидаги транспорт воситаларини текшириш бўйича линиялар учун — кенглиги 2,5 метрдан ва баландлиги 2,3 метрдан кам бўлмаган ўлчамли кириш (чиқиш) дарвозалари қурилади.

33. Техник кўрик линияларида транспорт воситаларининг техник ҳолатини баҳолаш кўриқдан ўтказиш хандағидан фойдаланган ҳолда бажарилади. Бунда:

ишлаб чиқариш хонасидаги кўриқдан ўтказиш хандақлари сони техник кўриқдан ўтказиш линиялари сонига мувофиқ бўлиши;

кўриқдан ўтказиш хандағининг узунлиги мазкур линияда текширилиши режалаштирилаётган транспорт воситасининг максимал узунлигини ва ундан чиқиб кетиш учун захира йўлнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши;

кўриқдан ўтказиш хандағининг кенглиги 0,9 метрдан кам бўлмаслиги керак. Максимал кенглиги мазкур линияда текширилиши режалаштирилаётган минимал колеяли транспорт воситасининг хандақдан ўтиши имкониятини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши;

кўриқдан ўтказиш хандақлари тутунни тортиб олиш вентиляцияси билан жиҳозланиши керак.

5-боб. Якунловчи хулосалар

34. Транспорт воситаларининг техник ҳолатини баҳолашнинг технологик жараёни техник кўрик линиясининг режалаштириладиган ечимларини, текшириладиган транспорт воситаларининг тоифасини, бажариладиган ишларнинг мураккаблигини, қўлланадиган жиҳозлар, ўлчов воситалари ва анжомларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

35. Транспорт воситаларининг техник ҳолатини баҳолаш бўйича ишларни бажаришда техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига амал қилишнинг мажбурийлиги назарда тутилади.

36. Технологик постларда диагностика параметрлари, техника хавфсизлиги коидалари ва ишларнинг хавфсиз усуллари бўйича амалда бўлган тавсиялар кўрсатилган технологик карталар жойлаштирилади.

37. Ишлаб чиқариш-техник базада техник ҳолати баҳоланадиган тоифага мансуб транспорт воситаларидан фойдаланиш бўйича амалдаги норматив ҳужжатлар, техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, қўлланмалар (йўриқномалар), автомобиль маълумотномалари ва бошқа зарур маълумотномалар мавжуд бўлиши керак.

38. Ишлаб чиқариш-техник базада биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун

зарур бўлган тиббиёт дори воситалари ва анжомлари тегишли норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ жамланган тиббиёт қутичаси бўлиши керак.

Транспорт воситаларининг техник ҳолатини баҳолаш учун мўлжалланган ишлаб чиқариш-техник база жойлаштирила- диган хона ва майдонларга доир талабларга ИЛОВА

**Транспорт воситаларининг техник ҳолатини баҳолаш
учун техник кўрик линияларининг
ЎЛЧАМЛАРИ**

Т/р	Техник ҳолати баҳоланадиган транспорт воситаларининг тоифалари	Технологик постлар сони		
		1	2	3
		Техник кўрик линиясининг узунлиги, метрдан кам эмас		
1.	M1, M2, N1, O1	12	18	24
2.	M1, M2, M3, N1, N2, N3, O1	18	30	42
3.	M1, M2, M3, N1, N2, N3, O1, O2	21	36	51
4.	M1, M2, M3, N1, N2, N3, O1, O2, O3	24	42	60
5.	M1, M2, M3, N1, N2, N3, O1, O2, O3, O4	27	45	66

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 12-сон, 298-модда) 2-банди учинчи хатбошидаги «2019 йил 1 январдан» сўзлари «2021 йил 1 январдан» сўзлари билан алмаштирилсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

123 Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2428-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПҚ–3549-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 21 январдаги 6-мх-сон қарори (рўйхат рақами 2428, 2013 йил 18 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 8-сон, 107-модда) билан тасдиқланган Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома муқаддимасидан «, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги ПҚ–2293-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва «Ўзбекистон почтаси» АЖ билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 январь,
188-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 февралда эълон қилинган.

Келишилган:

*Фавқулодда вазиятлар
вазири в. б.*

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

2019 йил 28 январь

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2019 йил 28 январь

*Давлат хавфсизлик
хизмати раиси*

И. АБДУЛЛАЕВ

2019 йил 28 январь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2019 йил 28 январь

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2019 йил 28 январь

*«Ўзбекистон почтаси»
АЖ бош директори*

Е. БИРГЕР

2019 йил 28 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

124 Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 622-8

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ–5564-сон «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 26 декабрда 74-сон билан тасдиқланган Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомға (рўйхат рақами 622, 1999 йил 5 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 10-сон) иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 январь,
1/4-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
19 январдаги 1/4-сон қарорига
ИЛОВА

**Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк
фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни
бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан
қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5.2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5.2. Жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби бузилганда, тижорат банкларидан ҳар бир ҳолат учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,01 фоизи миқдоридан, бироқ банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундирилади.».

2. 5.13-банддаги «Мазкур Низомнинг 5.2 — 5.11-бандларида» деган сўзлар «Мазкур Низомда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. VI¹ бўлим номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«VI¹. Марказий банкнинг кўрсатмаларини ижро
этмаганлиги учун санкциялар».**

4. 6.1¹-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

125 Ўзбекистон Республикаси божхона органларида ташқи савдо контрактларини ҳисобга қўйиш тартиби, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 832-11

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ–5582-сон «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 январь,
01-02/15-4-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил
18 январдаги 01-02/15-4-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 1999 йил 10 сентябрда 02/19-67-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартиби» (рўйхат рақами 832, 1999 йил 15 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 12-сон).

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 февралда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 1999 йил 5 ноябрда 03/19-288-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига 1-сонли ўзгартириш» (рўйхат рақами 832-1, 1999 йил 5 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 12-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 2000 йил 29 июнда 02/20-22-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига 2-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар» (рўйхат рақами 832-2, 2000 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 13-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 30 октябрдаги 01-02/19-44-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 832-3, 2004 йил 2 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 5-сон, 59-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 4 февралдаги 01-02/19-15-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 832-4, 2008 йил 4 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 10-11-сон, 66-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил 19 сентябрдаги 01-02/19-16-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 832-5, 2011 йил 26 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 39-сон, 401-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил 12 ноябрдаги 01-02/19-25-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 832-6, 2011 йил 7 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 39-сон, 401-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 5 декабрдаги 01-02/19-40-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 832-7, 2012 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 593-модда).

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 25 августдаги 01-02/19-20-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона орган-

ларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 832-8, 2014 йил 27 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 35-сон, 449-модда).

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 9 октябрдаги 01-02/19-44-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 832-9, 2015 йил 20 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 42-сон, 542-модда).

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 26 декабрдаги 01-02/19-67-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 832-10, 2017 йил 12 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 2-сон, 37-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

126 «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1209-10

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1209, 2003 йил 24 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 1-2-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 февралда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 январь,
10-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 23 январдаги
10-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш
бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. 1-сон иловадан «БХУТ бўйича 1-шакл » сатри чиқариб ташлансин.
Форма № 1 по ОКУД

3. Бухгалтерия балансига иловадан «М.Ў / М.П. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда / при наличии печати)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 2-сон иловада:

а) «БУТ бўйича 2-шакл » сатри чиқариб ташлансин;
Форма № 2 по ОКУД

б) 300-сатр чиқариб ташлансин;

в) 410-сатрнинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Автотранспорт йиғимлари

Автотранспортные сборы»;

г) 440-сатрнинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ягона ижтимоий тўлов

Единый социальный платеж».

5. 4-сон иловадан «БУТ бўйича 4-шакл » сатри чиқариб ташлансин.
Форма № 4 по ОКУД

6. 5-сон иловадан «БУТ бўйича 5-шакл » сатри чиқариб ташлансин.
Форма № 5 по ОКУД

7. 7-сон иловада:

а) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Молиявий ҳисобот шакллари раҳбар ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда

молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс томонидан имзоланади (бундан буён матнда бош бухгалтер деб юритилади).

Агар раҳбар бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини ўз зиммасига олган бўлса, у бош бухгалтер ўрнига ҳам имзо қўяди.»;

б) 45-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. «Давлат мақсадли жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари» (280-сатр) моддаси бўйича ҳисоби давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурталар бўйича бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётларда (4500) юритиладиган давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари ва ортиқча тўловлар кўрсатилади.»;

в) 96⁹-банддан «ҳамда ҳар бир саҳифада муҳр билан тасдиқланади (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

г) 97-банднинг биринчи хатбошисидан «, бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

д) 122-банднинг иккинчи хатбошисидаги «махсус» деган сўз «соддалаштирилган» деган сўз билан алмаштирилсин;

е) 124-банднинг иккинчи хатбошисидаги «300» рақами «310» рақами билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

127 **Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида низомга қўшимчалар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1304-4

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 11 октябрдаги 25/7-сон қарори (рўйхат рақами 1304, 2004 йил 24 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 4-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 февралда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 январь,
1/7-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
19 январдаги 1/7-сон қарорига
ИЛОВА

**Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида низомга
киритилаётган қўшимчалар**

1. Қуйидаги мазмундаги 5¹-банд билан тўлдирилсин:

«5¹. Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 125-моддасига мувофиқ иқтисодий суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан қарздорнинг барча турдаги қарзлари бўйича неустойка (жарима, пеня) ва фоизларни ҳисоблаш тугатилади.».

2. 6-банд «капитализациялаш орқали» деган сўзлардан кейин «активнинг» деган сўз билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 9 февралдан 15 февралгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 29 январдаги 188-мқ-сон «Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2428-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 19 январдаги 1/4-сон «Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 622-8.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 18 январдаги 01-02/15-4-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида ташқи савдо контрактларини ҳисобга қўйиш тартиби, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 832-11.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 23 январдаги 10-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1209-10.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 19 январдаги 1/7-сон «Фоишларни ўстирмаслик тўғрисида низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1304-4.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида ташқи савдо контрактларини ҳисобга қўйиш тартиби» (рўйхат рақами 832, 1999 йил 15 октябрь) шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 832-1, 1999 йил 5 ноябрь), (рўйхат рақами 832-2, 2000 йил 3 июнь), (рўйхат рақами 832-3, 2004 йил 2 февраль), (рўйхат рақами 832-4, 2008 йил 4 март), (рўйхат рақами 832-5, 2011 йил 26 сентябрь), (рўйхат рақами 832-6, 2011 йил 7 декабрь), (рўйхат рақами 832-7, 2012 йил 21 декабрь), (рўйхат рақами 832-8, 2014 йил 27 август), (рўйхат рақами 832-9, 2015 йил 20 октябрь), (рўйхат рақами 832-10, 2017 йил 12 январь).

Адлия вазирининг 2019 йил 14 февралдаги 60-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.